XALQ DEPUTATLARI UCHQO`RG`ON TUMANI KENGASHINING

Q A R O R I

2022 - yil 27 - sentabr VI-50-103-6-87-K/22 Uchqo‘rg‘on tuman hokimligi

Туманда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш ҳамда уларни вақтини белгилаш тўғрисида

Сўнгги йилларда халқимизнинг узоқ йиллик қадриятлари ва анъаналарини ўзида акс эттирган тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда шуҳратпарастлик, ўзини кўз-кўз қилиш, бошқаларнинг ижтимоий аҳволини инобатга олмаслик, исрофгарчилик, халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатлар кўзга ташланмоқда.

Бундай салбий иллатларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги 2736-III/КҚ-592-III-сонли “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қўшма қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги 2736-III/КҚ-592-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида”ги низомнинг 3-банди, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддаларига асосан халқ депутатлари Учқўрғон туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг

2019 йил 14 сентябрдаги “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2736-III/ҚҚ-592-III-сон Қўшма қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида, дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилсин. Мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача, қўшалоқ тўйлар билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300 нафаргача киши қатнашиши ва ушбу маросимнинг вақти бомдод намозидан сўнг бошланиши ва соат 11:00 га қадар давом этиши белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мавжуд санитария-эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни республика махсус комиссияси қарорлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор “Ёрқин ҳаёт” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (С.Турсунов) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Ж.Н.Ризаев**